

ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.05.2018.FM./T.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

МУРАТОВ ТЕМУР ТАШКАБАЕВИЧ

ЯРИМЎТКАЗГИЧЛАРДА ЗАРЯД ТАШУВЧИЛАРНИНГ
КИРИШМАВИЙ СОЧИЛИШ ЭФФЕКТЛАРИ:
КИНЕТИК ПАРАМЕТРЛАРНИ ҲИСОБЛАШНИ
АСИМПТОТИК УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по физико-математическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on physical-mathematical sciences**

Муратов Темур Ташкабаевич

Яримўтказгичларда заряд ташувчиларнинг киришмавий сочилиш
эфектлари: кинетик параметрларни ҳисоблашни асимптотик
усулларини ишлаб чиқиш 3

Муратов Темур Ташкабаевич

Эффекты примесного рассеяния носителей заряда в полупроводниках:
разработка асимптотических методов расчета кинетических
параметров 19

Muratov Temur Tashkabayevich

The effects of impurity scattering of charge carriers in semiconductors:
development of an asymptotic methods of calculation of the kinetic
parameters 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 41

ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.05.2018.FM./T.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

МУРАТОВ ТЕМУР ТАШКАБАЕВИЧ

ЯРИМЎТКАЗГИЧЛАРДА ЗАРЯД ТАШУВЧИЛАРНИНГ
КИРИШМАВИЙ СОЧИЛИШ ЭФФЕКТЛАРИ:
КИНЕТИК ПАРАМЕТРЛАРНИ ҲИСОБЛАШНИ
АСИМПТОТИК УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/FM417 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент Давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасига (www.fti.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталига (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Насриддинов Комилжон Рахматович
физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Гулямов Абдурасул Гафурович
физика-математика фанлари доктори

Абдулхаев Ойбек Абдуллазизович
физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Физика-техника институти ҳузуридаги DSc.30.05.2018.FM./Т.34.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Чингиз Айтматов кўчаси, 2Б-уй. Тел./факс: (+99871) 235-42-91, e-mail: ftikans@uzsci.net, Физика-техника институти мажлислар зали).

Диссертация билан Физика-техника институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Чингиз Айтматов кўчаси, 2Б-уй. Физика-техника институти. Тел./факс: (+99871) 235-30-41.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2020 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Н.Р. Авезова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., етакчи илмий ходим

А.Ғ. Комилов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, техника фанлари номзоди

А.В. Каримов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, физика-математика фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда яримўтказгичлар физикаси ва техникаси ривожда саёз киришмалар билан легирланган германий, кремний ва $A^{III}B^V$ турдаги ковалент яримўтказгичлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Саёз киришмалар сатҳлари иштирокидаги ўтишлар асосида ишлайдиган терагерц соҳада нурловчи детекторлар ва манбаларни яратиш, яримўтказгичли асбобларни ўтказувчанлик тури ва миқдорини аниқлаш, когерент фононлар акусто-оптик квант генераторини яратиш мақсадида тўғри бўлмаган зонали яримўтказгичларда икки квантли фотон-фонон ўтишларни рағбатлантириш каби долзарб амалий муаммоларни ҳал этишда заряд ташувчиларнинг киришмавий сочилиш эффектлари муҳим ўрин тутди. Бундан ташқари, жуда паст ҳароратларда (бир неча Кельвинлар атрофида), юқорида келтирилган яримўтказгичларнинг айрим физик ҳоссалари заряд ташувчиларнинг киришмавий сочилишининг хусусиятларига боғлиқдир. Шу муносабат билан, мазкур соҳада заряд ташувчиларнинг киришмавий сочилиш эффектларини назарий тадқиқ этиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунга келиб, дунёда, яримўтказгичли лазер асбобларни деградацияга учраши муаммолари билан боғлиқ равишда, тадқиқ этилаётган намуналарга радиациявий қайта ишлов бериш натижасида, уларда ҳосил бўлувчи саёз ва чуқур киришмаларнинг спектрларини ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда. Яримўтказгичлар физикаси ва лазер физикаси кесишмасида комплекс илмий тадқиқотларни амалга оширишда, қуйидаги йўналишларда мақсадли тадқиқот ишларини ўтказиш муҳим аҳамият касб этади: ковалент яримўтказгичларнинг электрофизик ҳоссаларини сезиларли даражада белгиловчи саёз киришмаларни атомар водород томонидан сустлаштириш жараёнларини ўрганиш; яримўтказгичларда мавжуд киришмавий ҳолатларни ҳисоб-китоб қилишни янги назарий усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш; ўта паст ҳароратли қаттиқ жисмли фотоэлектроника ва лазер физикаси учун аҳамият касб этган, янги турдаги яримўтказгичли моддаларнинг ҳоссаларини башорат қилиш, шулар жумласидандир.

Республикамизда яримўтказгичларда заряд ташувчиларнинг сочилиш назариясини ривожига хусусан, заряд ташувчиларнинг киришмавий сочилиш назариясига катта эътибор берилмоқда. Жумладан, кремний ва германийдаги мавжуд чуқур ва саёз киришмаларнинг спектрини ўрганишда салмоқли натижаларга эришилди. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қуйидаги вазифалар белгилаб берилган «принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосида ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш». Бу борада ташқи таъсирларга ўта сезгир бўлган янги яримўтказгичли моддаларни излаш ва улар асосида юқори технологик кўрсаткичларга эга бўлган яримўтказгичли тузилмалар ва асбоблар яратиш долзарб масалалардан биридир. Шу аснода, ковалент

яримўтказгичларда заряд ташувчиларнинг киришмавий сочилишини тавсифлайдиган параметрларни ҳисоб-китоб қилишни янгича назарий ёндашув ва усулларини ишлаб чиқиш жуда муҳим вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 30 майдаги ПҚ-4348-сон «Электротехника саноатини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва тармоқнинг инвестициявий ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлиги» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Яримўтказгичларда заряд ташувчиларнинг киришмавий сочилиш назарияси соҳаси бўйича илмий тадқиқотлар дунёнинг бир қанча илмий марказларида олиб борилмоқда. Биринчи навбатда, Россия Фанлар Академияси Микротузилмалар физикаси институтида (Нижний Новгород) яримўтказгичлардаги киришма резонанс сатҳларни назарий ўрганишга бағишланган тадқиқотларни келтириш мумкин. Мазкур тадқиқотларда квант ўрадаги киришманинг ҳар хил вазиятлари учун икки ўлчамли электрон газнинг энергетик спектри ва тўлқин функциялари аниқланган¹. Шу қаторда, А.Ф. Иоффе номидаги Физика-техника институти (Санкт-Петербург) назариётчи олимлари ва амалий тадқиқотчилар гуруҳи томонидан $A^{III}B^V$ турдаги яримўтказгичларнинг хоссаларини тадқиқ этишга бағишланган илмий-тадқиқот ишлар мажмуини ҳам келтириш лозим. Ушбу ишларда $A^{III}B^V$ турдаги яримўтказгичларда заряд ташувчиларнинг киришмавий сочилиш эффектлари ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ўрганилган². АҚШ да юпқа ковалент яримўтказгичларда заряд ташувчиларнинг киришмавий сочилиш эффектларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар Индиана штати Нотр-Дам университетининг электротехника факультетида олиб борилмоқда³.

ЎзР ФА Физика-техника институтининг олимлари Р.А. Мўминов ва Э.З. Имамовлар томонидан наноструктурали киришмалар билан бойитилган қуёш фотоэлементларининг самарадорлигини ошириш йўллари ишлаб

¹Алешкин В.Я., Гавриленко Л.В., Одноблюдов М.А., Ясиевич И.Н. Примесные резонансные состояния в полупроводниках (Обзор) // Физика и техника полупроводников. – Санкт – Петербург, 2008. – Т. 42. – № 8. – С. 899-922.

² Михайлова М.П., Моисеев К.Д., Яковлев Ю.П. Открытие полупроводников $A^{III}B^V$: физические свойства и применение (Обзор) // Физика и техника полупроводников. – Санкт – Петербург, 2019. – Т. 53. – № 3. – С. 291- 308.

³ N. Ma, D. Jena. Charge Scattering and Mobility in Atomically Thin Semiconductors // Physical Review. – New York, 2014. – Vol. 10. – № 4. – P. 011043-1– 011043-9.

чиқишга бағишланган илк тадқиқотлар бажарилган⁴. Кремнийда лантан ва гафний киришмалари ҳосил қиладиган чуқур сатхларни ўрганиш мобайнида, муҳим тажрибавий натижалар Х.С. Далиев, Ш.Б. Утамурадова ва Э.Қ. Қаландаровлар томонидан қайд этилган (Ўзбекистон Миллий университети)⁵.

Ҳозирги вақтга қадар, заряд ташувчиларнинг киришмавий сочилиш эффектларини назарий ҳисоб-китоб қилиш билан боғлиқ бўлган бир неча хал этилмаган масалалар мавжуд. Жумладан, ханузгача, илмий адабиётларда, ўта паст ҳароратлар соҳасида заряд ташувчиларнинг киришмавий сочилишини тавсифловчи кинетик параметрларни ҳисоблашни ҳартомонлама мақбул усули мавжуд эмас.

Мазкур диссертация тадқиқот иши айнан шу масалани, яъни ярим-ўтказгичларнинг кинетик параметрларини ҳисоблашни назарий жиҳатдан ҳартомонлама мақбул усулини ишлаб чиқишга бағишланган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат педагогика университети илмий тадқиқотлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўта паст ҳароратларда, яримўтказгичлар ҳажмида ва сиртида кечадиган заряд ташувчиларнинг киришмавий сочилиши ва рекомбинация жараёнларини тавсифловчи кинетик параметрларни ҳисоблашни ҳартомонлама мақбул асимптотик усулини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ge, Si ва $A^{III}B^V$ турдаги яримўтказгичларда мавжуд саёз киришмаларда заряд ташувчиларнинг резонанс сочилиши жараёнларига «кучсиз» магнит майдоннинг таъсирини тадқиқ этишни ҳартомонлама мақбул асимптотик усулини ишлаб чиқиш;

ҳажмий ва икки ўлчамли бўлган Ge, Si ва $A^{III}B^V$ турдаги яримўтказгичларда циклотрон резонанс (ЦР) ютилиш эгри чизигининг ёйилиб кетишига заряд ташувчиларнинг резонанс сочилишини кўшган нисбий улушини аниқлаш;

Ge, Si ва $A^{III}B^V$ турдаги яримўтказгичларда мавжуд зарядланган киришмаларда заряд ташувчиларнинг сочилишини тавсифловчи транспорт кесимининг миқдорига локал тузатмаларни аниқлаш;

экранлашган зарядли марказларга заряд ташувчиларни поғонали илиб олиниш динамикасига, классик ва квантловчи магнит майдоннинг таъсирини тадқиқ этиш;

кучли айниган яримўтказгичли кристаллнинг сиртида электронларнинг кучли локализацияланиш эффектини тавсифлайдиган критерийсига аниқлик киритиш;

⁴ Imamov E.Z., Djalalov T.A., Muminov R.A., Rakhimov R.K. Analysis of the role of nano-object in the cheaper silicon solar cells // Computational nanotechnology. – Moscow, 2017. – № 3. – P. 14-17.

⁵ Утамурадова Ш.Б., Далиев Х.С., Каландаров Э.Қ., Далиев Ш.Х. Об особенностях поведения атомов лантана и гафния в кремнии // Письма в Журнал технической физики. – Санкт - Петербург, 2006. – Т. 32. – №. 11. – С. 11-15.

Si:B легирланган яримўтказгичда, заряд ташувчиларнинг саёз сатҳлар орқали амалга ошадиган рекомбинация жараёнига резонанс сочилиш механизмининг таъсирини тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти бор киришмаси билан легирланган кремний, учинчи ва бешинчи гуруҳга таълуқли киришмалар билан легирланган германий, ҳамда $A^{III}B^V$ турдаги яримўтказгичлар.

Тадқиқотнинг предмети заряд ташувчиларнинг яримўтказгичларда мавжуд саёз киришмавий сатҳлар орқали амалга ошадиган рекомбинация ва сочилиш механизмларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Юқорида кўрсатилган масалаларни хал қилишда физик кинетика ва квант механика усулларидан, хусусан, сочилишнинг квант назарияси, Фоккер-Планк кинетик тенгламаси, релаксация вақти тақрибий усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

заряд ташувчиларнинг киришмавий сочилиши ва рекомбинация жараёнларини тавсифловчи кинетик параметрларни ҳисоблашни ҳартомонлама мақбул асимптотик усули ишлаб чиқилган ва унинг асосида кремнийда бор киришмаси (Si:B) ҳосил қилган саёзли 3s-сатҳ (боғланиш энергияси 5 мэВ), резонанс сатҳ эканлиги аниқланган;

ишлаб чиқилган асимптотик усул асосида «кучсиз» магнит майдонида ($H \sim 100$ Гс) киритилган яримўтказгичда ($A^{III}B^V$) электронларнинг ҳаракатчанлиги, уларнинг киришма нейтрал атомларида резонанс сочилиши шароитида ва 1 К ҳарорат атрофида, максимал қийматга эришиши кўрсатилган;

электронларнинг нейтрал атомларда резонанс сочилиши шароитида, классик циклотрон резонанс ютилиш спектрининг контурини ёйилиб кетишини ифодалайдиган асимптотик формулалар келтириб чиқарилган, ҳамда, улар асосида заряд ташувчиларнинг киришма ионларда сочилишини тавсифлайдиган транспорт кесимига тузатмалар аниқланган;

ҳарорат $T \rightarrow 0$ интилганда, кучли легирланган яримўтказгичнинг сиртида икки ўлчамли (2D) электрон газнинг сезиларли даражада тўпланиб қолиш критерийси учун ҳисоблаш ифодалари олинган, ҳамда, тўпланиб қолиш эффекти ўртача ҳисобда 60 % бажарилиши кўрсатилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

заряд ташувчиларнинг киришмавий сочилиш кинетик параметрларини ҳисоблашни ҳар хил назарий усулларини оптималлаш натижасида, ҳисоб-китоб қилишни энг қулай назарий моделини ишлаб чиқиш имкони яратилган;

ҳилма хил релаксация ва рекомбинация жараёнларни тавсифлайдиган ($< 16,7$ К) кинетик параметрларни (ёки коэффициентларни) ҳисоблашда $L(z) \approx 1/z - 2/z^2 + \dots$ асимптотик ёйилмани амалий аҳамияти очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги масалани ечишнинг асосланган ва ишонарли усулларидан фойдаланиш, назарий усул билан олинган натижаларни тажриба натижалари билан мос келиши билан таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, яримўтказгичларда заряд ташувчиларнинг киришмавий сочилиш механизмларини тавсифлашни янги назарий ёндашуви яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижалардан синтезлаш йўли билан олинган янги яримўтказгичли материалларнинг ҳоссаларини башорат қилишда, фото- ва ёруғлик диодларнинг ишлаш диапазонини оптималлашда, яримўтказгичларда рекомбинация жараёнларни рағбатлантиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши. Яримўтказгичларда заряд ташувчиларнинг киришмавий эффектлари: кинетик параметрларни ҳисоблашни асимптотик усуллари ишлаб чиқиш асосида:

заряд ташувчиларнинг киришмавий эффектларини тавсифловчи кинетик параметрларни ҳисоблаш учун ишлаб чиқилган асимптотик усул Ф2-ОТ-О-15494 рақамли «Юқори самарали фотодетекторларни яратиш мақсадида экситонларни, поляронларни ва квант нуқтали наноўлчамли гетеротузилмаларда кўчиш ходисаларни ўрганиш» (2012-2016 йй) фундаментал лойиҳасида квант ўрадаги киришмавий ҳолатларнинг қисқа тўлқинли асимптотикасини аниқлашда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 4 сентябрдаги 89-03-3312-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш ковалент яримўтказгичларнинг электр ўтказувчанлиги, иссиқлик ўтказувчанлиги, Холл коэффициенти ва термо-э.ю.к. ҳисоблаб чиқариш имконини берган;

заряд ташувчиларнинг киришма ионларда сочилишини тавсифлайдиган транспорт кесимига тузатмалар учун олинган аналитик ифодалар Пермь давлат университети назарий физика кафедрасида янги турдаги яримўтказгичли моддаларнинг ҳоссаларини олдиндан айтиб бериш бўйича олиб бориладиган тадқиқот ишларида қўлланилган (Пермь давлат миллий тадқиқот университетининг 2019 йил 10 апрелдаги 125-3/1704 -сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш янги турдаги яримўтказгичли материалларнинг кинетик ҳоссаларини башоратлаш ва оптималлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларида баён этилган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 15 илмий мақола чоп этилган бўлиб, улардан 4 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси тавсия қилган чет эллардаги халқаро журналларда ва 2 таси республика миқёсидаги журналларда.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация 104 та матнли саҳифада баён этилган бўлиб, 12 расмни ўз ичига олган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш қисмида** ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асослаб берилган. Тадқиқотларнинг республикадаги фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари билан боғлиқлиги кўрсатилган. Муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқотнинг объектлари, предметлари ва усуллари аниқланган. Илмий янгилик баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган. Натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Ишнинг апробацияси, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақида қисқача маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **«Яримўтказгичлар ва яримўтказгичли тузилмаларда заряд ташувчиларнинг киришмавий сочилиши бўйича назарий ва экспериментал ишларнинг ҳолати»** деб номланган биринчи бобида, яримўтказгичлар ва яримўтказгичли тузилмаларда заряд ташувчиларнинг киришмавий сочишиш механизми тадқиқ қилишга бағишланган назарий ва экспериментал ишлар тўғрисида қисқача маълумот келтирилган. Яримўтказгичларда заряд ташувчиларнинг киришмавий сочишишининг ҳар хил механизми таҳлил қилинган. Неутрал ва зарядланган киришмаларда заряд ташувчиларнинг резонанс, поғонали, кулон туридаги сочишишларини ўзига хос хусусиятлари очиб берилган. Мавжуд назарий ва экспериментал ишларни таҳлил қилиш асосида, диссертация ишининг масалалар қўйилиши шакллантирилган.

Диссертациянинг **« $D^-(A^+)$ – марказлар «магнетокесимлари» концепцияси»** деб номланган иккинчи бобида яримўтказгичларда кечадиган кинетик эффектларни тадқиқ этишнинг янгича услуби ишлаб чиқилган. Ишлаб чиқилган ёндашувнинг физик моҳияти шундан иборатки, кинетик эффектларга «кучсиз» магнит майдоннинг таъсири, хусусан, заряд ташувчиларнинг резонанс сочишиш эффектига ҳам, берилган сочувчи марказнинг эффектив кўндаланг кесимини виртуал чўзилиши сифатида қаралади. Бунда сочувчи марказнинг конкрет физик хусусияти, умуман олганда, аҳамиятсиздир. Мазкур ёндашувнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, яримўтказгичларда содир бўладиган кинетик эффектларга H – майдоннинг таъсири икки босқичда инобатга олинади. Биринчи босқичда, магнит майдони бўлмаганида яримўтказгичнинг кинетик коэффициентлари ҳисобланади: электр ўтказувчанлиги, иссиқлик ўтказувчанлиги, термо-э.ю.к. Магнит майдон таъсири иккинчи босқичда, сочувчи марказнинг кўндаланг кесимини виртуал (фикран) чўзиш орқали, инобатга олинади ⁶. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш

⁶ Бу етарлича эҳтимолдан йироқ эмас, чунки «кучсиз» магнит майдон маълум даражада зарядланган зарраларнинг эркин югуриш йўлини l қисқартириш эвазига, уларни сочувчиси сифатида таъсир ўтказади. Эркин югуриш йўлини эффектив кўндаланг кесим σ_{res} билан боғланишини ҳисобга олсак ($l = 1/(n_0 \sigma_{res})$), у ҳолда унинг қисқариши, эффектив кўндаланг кесимини орттиришига (чўзилишига) мутаносибдир. Бу маънода «кучсиз» магнит майдон заряд ташувчининг эркин югуриш йўлини арзимас кичрайишини билдиради, шу қўшимча чеклаш биланки, сочувчи марказнинг эквивалент равишдаги эффектив кўндаланг кесимини (радиусини) орттириши, марказнинг ўз эффектив кесимидан анча кичик бўлсин.

жоизки, аслида $D^-(A^+)$ – марказнинг эффе́ктив кесими ҳеч қандай ўзгаришга дучор бўлмайди, мазкур ёндашув, яъни $D^-(A^+)$ – марказлар «магнетокесимлари» концепцияси» методик жиҳатдан қулайдир.

Кинетик коэффи́циентларни ҳисоблаш алгоритми қуйидаги схема бўйича амалга оширилади (1-расм):



1-расм. Ҳисоблаш жараённинг блок-схемаси.

Келтирилган схемада: $\sigma(0)$ – магнит майдони бўлмаганда яримўтказгичнинг электр ўтказувчанлиги, $\chi(0)$ – магнит майдони бўлмаганда яримўтказгичнинг иссиқлик ўтказувчанлиги, $l(0)$ – магнит майдони бўлмаганда заряд ташувчиларнинг ўртача эркин югуриш йўли, $\sigma_{\text{res}}(0)$ – магнит майдони бўлмаганда резонанс сочилишнинг кесими, $\sigma_{\text{res}}(H)$ – магнит майдони мавжуд бўлганда резонанс сочилишнинг кесими; $\sigma(H)$ – «кучсиз» магнит майдонидаги яримўтказгичнинг электр ўтказувчанлиги, $\chi(H)$ – «кучсиз» магнит майдонидаги яримўтказгичнинг иссиқлик ўтказувчанлиги. Диққатга сазовор томони шундаки, бундай вазиятда Видеман-Франц қонуни талаб даражасида етарлича аниқликда бажарилади: $\chi(0)/\sigma(0) \approx \chi(H)/\sigma(H)$.

$\sigma(0)$, $\chi(0)$, $l(0)$ кинетик коэффи́циентлар учун:

$$\sigma(0) \approx \frac{8 e^2 n \varepsilon \sqrt{m^*}}{3 \sqrt{2} \pi^{3/2} \hbar^2 n_o \sqrt{k_B T}}, \quad (\mu = \sigma / en), \quad (1)$$

$$\chi(0) \approx \frac{16 n \varepsilon k_B \sqrt{k_B T} \sqrt{m^*}}{3 \sqrt{2} \pi^{3/2} n_o \hbar^2}, \quad (2)$$

$$l(0) \approx 2 m^* \varepsilon / (\pi \hbar^2 n_o), \quad (3)$$

асимптотик формулалар келтириб чиқарилган.

Бу ерда μ – заряд ташувчиларнинг ҳаракатчанлиги, e – электрон заряди, k_B – Больцман доимийси, n – электронлар концентрацияси, ε – $D^-(A^+)$ - марказнинг боғланиш энергияси (киришма атомнинг мЭВ тартибидаги резонанс энергияси), m^* – электроннинг эффе́ктив массаси, n_o – нейтрал атомларнинг концентрацияси. $\sigma_{\text{res}}(0) \rightarrow \sigma_{\text{res}}(H)$ формал ўзгартириш асосида

$$\overline{\sigma_{\text{eff}}(H)} = \overline{\sigma_{\text{res}}(0)} \cdot \left(1 + \frac{4 - \pi}{4} \frac{\overline{E_k}}{k_B T} \right) \quad (4)$$

муносабат келиб чиқади, бу ерда $\overline{\sigma_{\text{res}}}(0) = 2\pi\hbar^2/m^*\varepsilon$ – резонанс сочилишнинг ўртача кесими, $\overline{E}_k = m^*(\omega_c \bar{l}_{\text{res}})^2/2$ – циклотрон орбитасининг кичик қисмидаги заряд ташувчининг ўртача кинетик энергияси, $\omega_c = eH/m^*c$ – циклотрон частота, \bar{l}_{res} катталик (3) формула билан аниқланади.

(4) формуладан равшанки $\sigma_{\text{res}}(H) = \sigma_{\text{res}}(0) + \Delta\sigma_{\text{res}}(H)$, ($\Delta\sigma_{\text{res}}(H) \ll \sigma_{\text{res}}(H)$).

У ҳолда (1)-(4) формулалардан қуйидаги:

$$\sigma(H) = \sigma(0) \cdot \left(1 - \frac{4 - \pi}{4} \frac{\overline{E}_k}{k_B T}\right), \quad \rho(H) = \frac{1}{\sigma(H)}, \quad (5)$$

$$\chi(H) \sim n v_T \bar{l}(H) \sim \frac{v_T}{\sigma_{\text{res}}(H)} \sim \sqrt{\frac{T}{m^*}} \cdot \frac{1}{\sigma_{\text{res}}(H)} \cdot \left(1 - \frac{\overline{E}_k}{k_B T}\right), \quad (6)$$

$$\chi(H) = \chi(0) \cdot \left(1 - \frac{4 - \pi}{4} \frac{\overline{E}_k}{k_B T}\right), \quad \left(\frac{\Delta\rho}{\rho(0)}\right)_{\perp} \approx \frac{4 - \pi}{4} \frac{\overline{E}_k}{k_B T}, \quad (7)$$

муносабатлар келиб чиқади.

Мазкур (5) – (7) муносабатларни стандарт усуллар асосида ҳам олиш мумкин⁷, лекин ҳисоб-китобларнинг ҳажми кескин равишда ошиб кетади. Ишлаб чиқилган усулда эса, худди шу муносабатлар $\sigma_{\text{res}}(0) \rightarrow \sigma_{\text{res}}(H)$ алмаштириш эвазига, соддароқ йўл билан олинади. Ифодали қилиб айтганда, $D^-(A^+)$ – марказ артофи, «кучсиз» H – майдони ($H \sim 100$ Гс) таъсири туфайли гўёки «қабариб» чиқади: $\mu_{\text{max}} \sim 1/H$.

Бундан кейин, яримўтказгичларда циклотрон резонанс ходисасига $D^-(A^+)$ - марказларни таъсири кўриб чиқилган. Таҳлил шуни кўрсатдики, заряд ташувчиларнинг нейтрал атомларда резонанс сочилиши шароитида, икки ўлчамли намуналарда циклотрон резонанс, ҳажмий намуналардаги циклотрон резонансга қараганда, кучсизроқ намоён бўлар экан (2 ва 3 расмлар).


Бунинг физик сабаби шуки, икки ўлчамли ҳолда, уч ўлчамли ҳолатдан фарқли ўлароқ, характланиш суръати паст электронларнинг сочилиш кесими σ энергия камайиши билан, ортиб боради⁸. Шу сабабдан, резонанс чуқурликларга мос паст ҳароратда, икки ўлчовли электрон тизимлардаги электронларнинг $D^-(A^+)$ – ўраларда релаксация вақти τ жуда кучли қисқариши керак ($\tau \propto 1/\sigma$), ва натижада, циклотрон резонанс спектрининг ёйилиши ($\delta\omega \sim 1/\tau$) икки ўлчамли ҳолда, уч ўлчамли ҳолга қараганда, ноаниқроқ бўлади.

Ўта паст ҳароратларда (≤ 1 К), кенг тарқалган $\delta\omega \sim T^{-1/2}$ боғланишдан⁹ фарқли ўралок, $\delta\omega \sim T^{1/2}$ ўзгача асимптотик режим вужудга келиши кўрсатилган.


⁷ Биккин Х.М., Ляпилин И.И. Физика конденсированных сред. Неравновесная термодинамика и физическая кинетика. – Екатеринбург, 2009. – Т.1. – 500 с.

⁸ Ландау Л.Д., Лифшиц Е.М. Теоретическая физика: Квантовая механика (нерелятивистская теория). – М.: 1989. – Т.3. – 768 с.

⁹ Павлова Т.В. Магнитопримесные состояния частицы в структурах различной размерности и их роль в кинетических явлениях в полупроводниках.: Автореф. дис. канд. физ. – мат. наук. – М.: МИФИ. 2006. – 21 с.



2-расм. Ҳажмий намунада заряд ташувчиларнинг ҳар хил сочилиш механизмларида циклотрон резонанс ютилиш эгри чизиғининг ярим кенглигини ҳарорат бўйича ўзгариши.



3-расм. Икки ўлчамли намунада заряд ташувчиларнинг ҳар хил сочилиш механизмларида циклотрон резонанс ютилиш эгри чизиғининг ярим кенглигини ҳарорат бўйича ўзгариши.

Зарядланган киришмада заряд ташувчиларнинг сочилиш кесими микдорига $\delta\sigma$ локал тузатмаларни ҳисоблаш методикаси ишлаб чиқилган. Мазкур тузатмалар «иккиламчи» мультиполь хусусиятга эга бошқа зарядланган комплекслар таъсирида юзага келган. Тақдим этилган ҳисоблаш методикасини назарий пойдевори асослаган. У Конуэлл-Вайскопф моделига асосланади. Тузатмалар ҳисоблашни квант усули алоҳида кўриб чиқилган. Ушбу усул, ўта паст ҳароратлар соҳасида, классик усулни тўлдиради ва такомиллаштиради. Вариацион процедура асосида $\delta\sigma$ учун ҳисоблаш формулалари олинган:

$$\sigma_{tr} = 2\pi \int (1 - \cos \theta) \rho(\theta) \left| \frac{d\rho(\theta)}{d\theta} \right| d\theta = \pi \left(\frac{\alpha}{2E} \right)^2 \int_0^\pi (1 - \cos \theta) \frac{\cos(\theta/2)}{\sin^3(\theta/2)} d\theta =$$

$$= \left[\begin{array}{l} \pi \rightarrow \pi - \theta_{\min} \\ 0 \rightarrow \theta_{\min} \end{array} \right] \Rightarrow 2\pi \left(\frac{\alpha}{2E} \right)^2 \int_{\theta_{\min}}^{\pi - \theta_{\min}} \text{ctg} \frac{\theta}{2} d\theta, \quad (\alpha = \pm \frac{Ze^2}{\varepsilon}). \quad (8)$$

σ_{tr} катталикни $y = y_0 \operatorname{ctg}(\theta/2)$ функциясининг функционали сифатида вариациялаш натижаси, куйидаги ифодани беради:

$$\begin{aligned} \delta\sigma_{tr}[y] &= 2\pi \left(\frac{\alpha}{2E}\right)^2 \delta \int_{\theta_{\min}}^{\pi-\theta_{\min}} \operatorname{ctg}\frac{\theta}{2} d\theta = 2\pi \left(\frac{\alpha}{2E}\right)^2 \int_{\theta_{\min}}^{\pi-\theta_{\min}} \delta \operatorname{ctg}\frac{\theta}{2} d\theta = \\ &= -\pi \left(\frac{\alpha}{2E}\right)^2 \int_{\theta_{\min}}^{\pi-\theta_{\min}} \frac{\delta\theta(\theta)}{\sin^2(\theta/2)} d\theta, \end{aligned} \quad (9)$$

бу ерда $\rho = \frac{|\alpha|}{2E} \cdot \operatorname{ctg}\frac{\theta}{2}$ – нишонга олиш масофаси, $E = E_\infty$ – электроннинг чексизликдаги кинетик энергияси, θ – ион киришманинг майдонида электроннинг оғиш бурчаги (асосий кулон майдони). Бунда $\delta\sigma_{tr}$ тузатмани ҳисоблаш $\delta\theta$ аниқлашга келиб тақалади¹⁰:

$$\delta\theta(\rho) = -\frac{1}{E} \frac{\partial}{\partial\rho} \int_{r_{\min}}^{\infty} \frac{\delta U(r) dr}{\sqrt{1 - \frac{\rho^2}{r^2} - \frac{U(r)}{E}}}, \quad (10)$$

бу ерда $\delta U(r) \sim r^{-n}$ (иккиламчи майдонлар асимптотикаси), $U(r) \sim \pm r^{-1}$ – бирламчи (асосий) майдон асимптотикаси.


(8)-(10) формулаларни тадбиқ этиш чегараси $\delta\theta > \hbar/(\rho\bar{p})$ тенгсизлик билан белгиланади, бунда $\bar{p} = \sqrt{m^* k_B T}$ – электроннинг квазиимпульси. (8)-(10) асосида баҳолалар шуни кўрсатадики $\langle\sigma_{tr}\rangle/\langle\delta\sigma_{tr}\rangle \sim (1-10) \ln \Lambda$, бунда $\ln \Lambda$ – кулон логарифми. Барча тузатмалардан кўшилган натижавий улуш, резонанс сочилиш кесимининг микдорига тенглашиши ($\sigma_{res} \approx 10^{-12} \text{ см}^2$), эҳтимолдан йироқ эмас.

Диссертациянинг «**Яримўтказгичларда электронларнинг кучли локализацияланиш эффектлари**» деб номланган учинчи боби, айниган яримўтказгичнинг сиртида, электронларнинг кучли локализацияланиш эффектларига бағишланган. Тажрибада электрон зичликнинг кучли локализация ҳодисаси *n*-InGaN (0001) яримўтказгич сиртида кузатилган¹¹. Мазкур эффект $k \rightarrow 0$ асимптотик яқинлашишда яримўтказгичнинг сирт электрон холатлар назарияси нуқтаи назаридан, катта аҳамият касб этади. Гап шундаки, сирт зонасининг туби яқинида электронларнинг кинетик энергияси нолга тенг ($k=0$, $\hbar^2 k^2/2m^* = 0$). Кучли айниган квази-икки ўлчамли электрон газда электронларнинг ўртача кинетик энергияси деярли Ферми энергиясига

¹⁰ Коткин Г.Л., Сербо В.Г. Сборник задач по классической механике. – М.: Регулярная и хаотическая динамика, 2001. – 352 с.

¹¹ Бенеманская Г.В., Жмерик В.Н., Лапушкин М.Н., Тимошнев С.Н. Аккумуляционный нанослой – 2D-электронный канал ультратонких интерфейсов Cs/*n*-InGaN // Физика твердого тела. – Санкт-Петербург, 2009. – Т.51. – № 2. – С. 372-376.

тенг, бу деганики, $T = 0$ К да Ферми сатҳи сирт зонаси тубида маҳкамланади, зоналар тилида айтганда бу $E_F = 0$ ҳолга тенг кучлидир (4 расм).



4-расм. Сирт яқинида фазовий заряд қатлами мавжуд бўлиши, энергетик сатҳларни «юқори га» эгилишига олиб келади. $T \rightarrow 0$ интилганда Ферми сатҳи сирт зонасининг тубига бориб маҳкамланади (қизил чизиқ билан кўрсатилган).

Икки ўлчамли электрон газнинг квант ҳоссаларини назарий таҳлил қилиш чоғида, $T \rightarrow 0$ яқинлашишда электрон зичлик сиртий ўрада тўпланиши кўрсатилган, бунинг устига 100 % локализация критерийси¹², амалда ўртача ҳисобда 60 % бажарилиши кўрсатилган:

$$\frac{3}{5} \frac{k_F^2}{\pi^2 n_s} \ln^2 \left(\frac{\sqrt{3} n_o}{\xi k_F n_s} \right) \leq 1, \quad (11)$$

бу ерда k_F – Ферми сатҳидаги тўлқин вектори, n_s – нуксонларнинг сиртий концентрацияси, n_o – легирлашнинг критик даражаси, ξ – тахминан бирга яқин сонли параметр.

Электрон зичликнинг сиртдаги потенциал ўрада кучли тўпланиб қолиш шароитида, экранлашган кулон марказлари томонидан заряд ташувчиларни поғонали илиб олиниш динамикасини тавсифлайдиган усулга аниқликлар киритилди. Маълумки, асосий киришмани экранланиши туфайли, поғонали илиб олиниш кесими тахминан 10 маротаба қамаяди¹³. Савол туғилади, қандай қилиб заряд ташувчилар орасидан энг тезкорини инобатга олиш мумкин. Ахир Максвелл тақсимотиға биноан, баъзи бир заряд ташувчилар зарядланган киришмага, энг кичик масофагача яқинлашиши мумкин. Бу поғонали илиб олиниш эффектив кесимини топиш масаласини анча енгилаштиради. Энергетик тасаввурда ёзилган Фоккер-Планк тенгламаси асосида, «кучли» ва «кучсиз» классик ва квантловчи магнит майдон мавжудлигида, «майда» фонларни чиқариш эвазига амалга ошадиган поғонали илиб олиниш кесими учун асимптотик ифодалар олинган:

$$\sigma \approx \frac{4\pi}{3l_o} \left(\frac{Ze^2}{\varepsilon} \right)^3 \frac{1}{(k_B T)^3} \frac{1}{1 + \frac{Ze^2/\varepsilon r_D}{k_B T}} = \frac{\sigma_{\text{coul}}}{1 + \frac{\alpha/r_D}{k_B T}}. \quad (12)$$

¹² Бондаренко В.Б., Филимонов А.В. Критерий сильной локализации на поверхности полупроводника в приближении Томаса-Ферми // Физика и техника полупроводников. – Санкт – Петербург, 2017. – Т.51. – № 10. – С. 1372-1375.

¹³ Джакели В.Г. О захвате носителей заряда на экранированном кулоновском центре // Физика и техника полупроводников. – Санкт – Петербург, 1994. – Т.28. – № 12. – С. 2073-2075.

$$\sigma_H \approx \frac{4\pi}{3l_0} \left(\frac{Ze^2}{\varepsilon} \right)^3 \frac{1}{(k_B T)^3} \frac{\bar{E}_k}{4k_B T}, \quad (\bar{E}_k/2 \gg k_B T), \quad (13)$$

$$\sigma_H \approx \frac{4\pi}{3l_0} \left(\frac{Ze^2}{\varepsilon} \right)^3 \frac{1}{(k_B T)^3}, \quad (\bar{E}_k/2 \ll k_B T), \quad (14)$$

бу ерда l_0 – электроннинг акустик фононларда сочилишида ўзига хос эркин югуриш йўли, ε – кристаллнинг диэлектрик доимийлиги, r_D – Дебай экранлаш радиуси, Ze – саёз киришманинг зарядли ҳолати.

$T = 30$ К да (12) формула бўйича баҳолаш $\sigma_{\text{coul}} \approx (0,1 - 1) \cdot 10^{-12}$ см² қийматни беради.

Олинган (13) ва (14) формулалардан шундай ҳулосага келиш мумкинки, классик маънода «кучсиз» магнит майдон, ташувчининг поғонали илиб олиниш тезлигига деярли таъсир ўтказма олмас экан, шу билан бирга, «кучли» магнит майдон поғонали илиб олиниш суръатини ўзини ўзгартириб юборади. Бу эса ўз навбатида, ташувчиларнинг илиб олиниш динамикасини мақсадли бошқариш имконини беради, қолаверса фотодиодлар ва ўтаўтказувчи ярим-ўтказгичларнинг ишлаш диапазонини кенгайтириш учун аҳамиятлидир.

Квантловчи H – майдон шароитида, ультраквант ҳолатда ($T \rightarrow 0$), $\exp(-r/r_D) \approx 1 - r/r_D$ чизиқли экранланиш соҳасида, ташувчиларнинг яшаш вақти 10 маротабагача ортиши мумкин:

$$\frac{\tau_H^{\text{scr}}}{\tau} = \frac{1}{\Gamma(5)} \left(\frac{8k_B T}{\hbar\omega_c} \right)^2 \exp\left(\frac{\alpha/r_D}{k_B T}\right) \Gamma\left(5, \frac{\alpha/r_D}{k_B T}\right) \cdot \left[\ln \frac{4k_B T}{\sqrt{3m^*s^2\hbar\omega_c}} \right]^{-1} \quad (15)$$

$r_D \rightarrow \infty$ яқинлашишда (15) ифодадан, хусусий ҳол сифатида эса қуйидаги

$$\frac{\tau_H}{\tau} = \left(\frac{8k_B T}{\hbar\omega_c} \right)^2 \cdot \left[\ln \frac{4k_B T}{\sqrt{3m^*s^2\hbar\omega_c}} \right]^{-1} \quad (16)$$

натижа келиб чиқади¹⁴.

Паст ҳароратли қаттиқ жисм фотоэлектроникаси учун, маълум даражада, кремнийда бор киришмаси ҳосил қилган саёз тузоқ сатҳларга (A^+ – марказлар) заряд ташувчиларни тутилиши, аҳамиятлидир. Мазкур масала, кремний асосида, генерация – рекомбинация жараёнлар ҳисобига ишловчи яримўтказгичли асбобларни моделлаштириш жиҳатдан қизиқарлидир. Заряд ташувчиларнинг рекомбинация жараёни, саёз киришма сатҳларга тутилиши билан қайд этилади. Тутилиш жараёни шу вақтга қадар илмий адабиётларда, заряд ташувчилар ўзидан акустик фонон чиқариши эвазига, поғонали илиниб олиниш сифатида қаралар эди. Унга кўра, тутилиш коэффиценти¹⁵ қуйидаги

¹⁴ Банная В.Ф., Никитина Е.В. Влияние квантового магнитного поля на разогрев носителей заряда в чистом Ge// Физика и техника полупроводников. – Санкт – Петербург, 2019. – Т. 53. – № 1. – С. 13-17.

¹⁵ Абакумов В.Н., Перель В.И., Ясиевич И.Н. Безызлучательная рекомбинация в полупроводниках. – Санкт – Петербург, 1997. – 375 с.

формула билан аиқланади:

$$\alpha_{\text{сар}} \approx \frac{\pi^3 B^2}{16 l_0} \sqrt{\frac{2\varepsilon}{m^*}} \left(\frac{\hbar}{m^* s} \right)^3 \phi(E_k), \quad (E_k \propto k_B T), \quad (17)$$

бунда $\phi(E_k)$ – қиймати бирга яқин ёки кичик бўлган функция, $B \approx 1,1$, $s = 5 \cdot 10^5$ см/с – кремнийда товуш тезлиги, $l_0 = 4,7 \cdot 10^{-4}$ см, $\varepsilon \approx 5$ мЭВ, $m^* \approx 0,5 \cdot m_0$. (17) формула бўйича баҳолаш $\alpha_{\text{сар}} \approx 6 \cdot 10^{-7}$ см³/с қиймат беради, ваҳолашки (1,7 – 4,2) К оралиқ учун тажрибада $\alpha_{\text{сар}} \approx 5 \cdot 10^{-6}$ см³/с қиймат қайд қилинган эди¹⁶, яъни фарқ 8,3 маротаба!

Шундай қилиб, кремнийдаги борнинг саёз сатҳлари орқали амалга ошадиган рекомбинация жараёни, яққол намоён бўладиган поғонали тутилиш характерига эга эмас бўлиб чиқди. Назария ва тажриба орасидаги келиб чиққан тафовутни бартараф этиш мумкин бўладики, агар заряд ташувчиларни борнинг саёз сатҳларига тутилишини, резонанс характерга эга деб тахмин қилинса. Кремнийда бор киришмасининг асосий ҳолат ($n = 1$) энергияси 0,045 эВ ташкил қилади. Заряд ташувчини A° - марказ билан боғловчи энергия $\varepsilon \approx 5$ мЭВ ($n = 3$) экани ҳисобга олинса, тутилиш коэффициенти учун қуйидаги муносабат келиб чиқади:

$$\alpha_{\text{сар}} \approx \sqrt{\frac{2\pi}{m^*}} \frac{16 \hbar^2}{3 m^*} \frac{1}{\sqrt{k_B T}} \frac{k_B T}{\varepsilon}. \quad (18)$$

Агар (18) формулага $\varepsilon \approx 5$ мЭВ, $m^* = 0,5 \cdot m_0$ ва $T = 3$ К қийматлар қўйилса, у ҳолда $\alpha_{\text{сар}} \approx 4 \cdot 10^{-6}$ см³/с бўлади. Қўриниб турибдики, қанчалик тутилиш коэффициенти назарий қиймати, унинг экспериментал аниқланган қиймати $5 \cdot 10^{-6}$ см³/с билан яқин келган.

Шундай қилиб, (1,7 – 4,2) К оралиқда, кремнийдаги борнинг саёз сатҳлари орқали амалга ошадиган заряд ташувчиларнинг рекомбинацияси, ковакни A° – марказга резонансли тутилиши (A^+ – марказ пайдо бўлгунга қадар), ва кейинчалик, A^+ – марказ томонидан эркин электронни поғонали тутилиши билан содир бўлади.

Саёз киришмалар билан легирланган яримўтказгичларнинг сиртида ва ҳажмида кечадиган рекомбинацион жараёнларга фундаментал қизиқиш, субмиллиметрли диапазонда нурлайдиган фотоқабулқилгичларни ишлаб чиқариш технологияси билан боғлиқдир.

¹⁶ Гершензон Е.М., Ладыжинский Ю.П., Мельников А.П. О новом механизме рекомбинации носителей заряда в полупроводниках // Письма в ЖЭТФ. – Москва, 1971. – Т. 14. – С. 380-382.

ХУЛОСА

Яримўтказгичларда заряд ташувчиларнинг киришмавий сочилишини тавсифловчи кинетик параметрларни ҳисоблашни асимптотик усулларини ишлаб чиқиш асосида қуйидаги хулосалар қилинди:

1. Ковалент яримўтказгичларда заряд ташувчиларни киришма нейтрал атомларида резонанс сочилиш шароитида, яримўтказгичнинг электр ўтказувчанлик, электрон иссиқлик ўтказувчанлик, магнит қаршилиқ, термо-э.ю.к. коэффициентлари учун аналитик баҳолашлар олинган, ҳамда, 1 К ҳарорат атрофида, заряд ташувчиларнинг Холл ҳаракатчанлиги максимал қийматга эришиши кўрсатилган.

2. Квази икки ўлчамли ва ҳажмий яримўтказгичларда классик циклотрон резонанс ютилиш эгри чизиғи яримкенглиги $\delta\omega$ учун, заряд ташувчиларнинг нейтрал атомларда резонанс сочилиши ҳисоби эвазига, асимптотик формулалар келтириб чиқарилган (контурни ёйилиб кетиш асимптотикаси $\delta\omega \sim T^{1/2}$), ҳамда, классик циклотрон резонанс чизиғи яримкенглигини $\delta\omega$, ҳарорат T ва киришма атомлар концентрацияси n_0 қийматлари соҳасида $\delta\omega(T, n_0)$ энг катта қийматга эришганда, $\delta\omega(T, n_0)$ боғланишни алмашилиши топилган.

3. Ионлашган киришмада заряд ташувчиларнинг сочилиш эффектив транспорт кесимига локал тузатмаларни «симметрик» ҳисоблаш методикаси ишлаб чиқилган, ва баҳолашлар шуни кўрсатдики $\langle\sigma_{tr}\rangle/\langle\delta\sigma_{tr}\rangle \sim (1-10)\ln\Lambda$, ҳамда, бу ифодадан, сочилиш транспорт кесимига σ_{tr} тузатмалар $\delta\sigma_{tr}$ (30 – 100) К ҳароратлар соҳасида аҳамиятли бўлиши кўрсатилган.

4. Экранлашган кулон марказларига заряд ташувчиларнинг поғонали тутиб олиниш кесими, ва уларни саёз киришмаларнинг резонанс сатҳларига тутилиш эҳтимоллиги учун тақрибий формулалар келтириб чиқарилган, ҳамда, номувозанатли заряд ташувчиларнинг яшаш вақтини зарядланган киришманинг экранланиш даражасига боғланиши тадқиқ этилган, хусусан, квантловчи магнит майдонида (ультраквант тақрибда), кучсиз экранлашган киришмаларда заряд ташувчиларнинг яшаш вақти 10 маротабагача ортиши мумкинлиги кўрсатилган.

5. Кучли легирланган яримўтказгичнинг сиртида электронларнинг кучли локализацияланиш эффектини тавсифлайдиган критерийсига аниқлик киритилган, хусусан, мазкур критерий ўртача олганда (Ферми-Дирак статистикасини ҳисобга олганда) 60 % бажарилиши кўрсатилган, демак, сиртий зарядни оқиб ўтиш бўсағаси 40 % ташкил этиши мумкинлиги, яъни $T = 0$ К да ҳам, сиртий зарядни чиқиб кетиш эҳтимоли мавжудлиги тасдиқланган.

6. (1,7 – 4,2) К интервалда саёз сатҳлар орқали заряд ташувчиларнинг рекомбинацияси содир бўлиши учун, кремнийдаги бор киришмасининг сатҳларига уларнинг резонанс тутилиши ҳал қилувчи аҳамият касб этиши аниқланган, хусусан, кремнийдаги бор киришмасининг рекомбинацион марказларига номувозанатли заряд ташувчиларнинг резонанс тутилиши шароитида α тутилиш коэффициенти учун тақрибий формула олинган, ва $n_0 \geq 10^{14} \text{ см}^{-3}$ концентрациялар учун $\alpha_n = 4 \cdot 10^{-6} \text{ см}^3/\text{с}$ тенг бўлиши кўрсатилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.30.05.2018.FM./Т.34.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ ФИЗИКО-ТЕХНИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

МУРАТОВ ТЕМУР ТАШКАБАЕВИЧ

**ЭФФЕКТЫ ПРИМЕСНОГО РАССЕЯНИЯ НОСИТЕЛЕЙ ЗАРЯДА В
ПОЛУПРОВОДНИКАХ: РАЗРАБОТКА АСИМПТОТИЧЕСКИХ
МЕТОДОВ РАСЧЕТА КИНЕТИЧЕСКИХ ПАРАМЕТРОВ**

01.04.10 – Физика полупроводников

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2019.3.PhD/FM417.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.fti.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Насриддинов Комилжон Рахматович**
доктор физико-математических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Гулямов Абдурасул Гафурович**
доктор физико-математических наук
Абдулхаев Ойбек Абдуллазизович
доктор философии по физико-математическим наукам

Ведущая организация: **Национальный университет Узбекистана**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2020 года в ___ часов на заседании Научного совета DSc.30.05.2018.FM./Т.34.01 при Физико-техническом институте. Адрес: 100084, г. Ташкент, ул. Чингиза Айтматова, дом 2Б. Административное здание Физико-технического института, зал конференций. Тел./факс: (+99871) 235-42-91, e-mail: ftikans@uzsci.net.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Физико-технического института (зарегистрирована за № ___). (Адрес: 100084, г. Ташкент, ул. Чингиза Айтматова, дом 2Б. Тел/факс: (+99871) 235-30-41).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2020 г.

(Реестр протокола рассылки № _____ от _____ 2020 г.).

Н.Р. Авезова
председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н.,
ведущий научный сотрудник

А.Г. Комилов
ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, кандидат
технических наук

А.В. Каримов
председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению ученых
степеней, д.ф.-м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в мире, в развитии физики и техники полупроводников важную роль играют ковалентные полупроводники – германий, кремний и типа $A^{III}B^V$, легированные мелкими примесями. В решении многих актуальных прикладных проблем, таких как: создание источников и детекторов терагерцового излучения на переходах с участием мелких примесных уровней; определение типа и величины проводимости в полупроводниковых приборах; стимулирование двухквантовых фотон-фононных переходов в непрямозонных полупроводниках с целью создания акусто-оптического квантового генератора когерентных фононов, эффекты примесного рассеяния носителей заряда имеют принципиальное значение. Кроме того, некоторые физические свойства вышеуказанных полупроводников при низких температурах (порядка несколько Кельвинов), зависят от специфики примесного рассеяния носителей заряда. В связи с этим, теоретическое исследование эффектов примесного рассеяния носителей заряда является одной из актуальных задач в этой области.

На сегодняшний день в мире, в связи с проблемами деградации полупроводниковых лазеров, большое внимание уделяется изучению спектра мелких и глубоких примесных центров, возникающих в результате радиационной обработки исследуемых образцов. В этой области реализации комплексных научных исследований на стыке физики полупроводников и физики лазеров, важной задачей является проведение целевых исследований в следующих направлениях: изучение процессов пассивации мелких примесей в ковалентных полупроводниках атомарным водородом, которые в значительной мере определяют их электрофизические свойства; разработка и внедрение новых теоретических методов расчета примесных состояний в полупроводниках; прогнозирование свойств новых типов полупроводников, представляющих интерес для твердотельной фотоэлектроники сверхнизких температур и физики полупроводниковых лазеров.

В нашей Республике большое внимание уделяется развитию теории рассеяния носителей заряда в полупроводниках, в частности, теории примесного рассеяния носителей заряда. В изучении спектра глубоких и мелких примесей в кремнии и германии, достигнуты весомые результаты. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики на 2017-2021 годы отмечены задачи «...освоение выпуска принципиально новых видов продукции и технологий, обеспечение на этой основе конкурентоспособности отечественных товаров на внешних и внутренних рынках». В этом аспекте, поиск новых полупроводниковых материалов, обладающих высокой чувствительностью к внешним воздействиям, и разработка на их основе полупроводниковых структур и приборов, обладающих высокими технологическими показателями, является важнейшей задачей. В этом плане, разработка новых теоретических подходов и методов расчета параметров

примесного рассеяния носителей заряда в ковалентных полупроводниках, является весьма востребованной задачей.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП-4348 от 30 мая 2019 года «О дополнительных мерах по созданию благоприятных условий для дальнейшего развития электротехнической промышленности и повышению инвестиционного и экспортного потенциала отрасли» и ПП-№2789 от 17 февраля 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организаций управления и финансирования научно-исследовательской деятельности», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан: II. «Энергетика, энерго- и ресурсосбережение».

Степень изученности проблемы. Научные исследования в области теории примесного рассеяния носителей заряда в полупроводниках проводятся во многих мировых научных центрах. В первую очередь следует указать на проводимые в Институте физики микроструктур РАН (Нижний Новгород) теоретические исследования примесных резонансных состояний в полупроводниках, в которых были рассчитаны энергетический спектр и волновые функции двумерного электронного газа при различных положениях примеси в квантовой яме¹. Следует также отметить цикл работ², выполненных коллективом ученых-теоретиков и экспериментаторов ФТИ РАН имени А.Ф. Иоффе (Санкт-Петербург), по исследованию свойств полупроводников $A^{III}B^V$. В этих работах были теоретически и экспериментально изучены эффекты примесного рассеяния носителей заряда в полупроводниках типа $A^{III}B^V$. В США исследования по изучению эффектов примесного рассеяния носителей заряда в тонких ковалентных полупроводниках проводятся на факультете электротехники университета Нотр-Дам штата Индиана³.

В ФТИ АН РУз Муминовым Р.А. и Имамовым Э.З. были сделаны первые попытки⁴ по разработке механизмов повышения эффективности солнечных фотоэлементов с наноструктурными включениями. Важные экспериментальные

¹ Алешкин В.Я., Гавриленко Л.В., Одноблюдов М.А., Ясиевич И.Н. Примесные резонансные состояния в полупроводниках (Обзор) // Физика и техника полупроводников. – Санкт – Петербург, 2008. – Т. 42. – № 8. – С. 899-922.

² Михайлова М.П., Моисеев К.Д., Яковлев Ю.П. Открытие полупроводников $A^{III}B^V$: физические свойства и применение (Обзор) // Физика и техника полупроводников. – Санкт – Петербург, 2019. – Т.53. – № 3. – С. 291-308.

³ N. Ma, D. Jena. Charge Scattering and Mobility in Atomically Thin Semiconductors // Physical Review. – New York, 2014. – Vol. 10. – № 4. – P. 011043-1– 011043-9.

⁴ Imamov E.Z., Djalalov T.A., Muminov R.A., Rakhimov R.K. Analysis of the role of nano-object in the cheaper silicon solar cells // Computational nanotechnology. – Moscow, 2017. – № 3. – P.14 -17.

результаты были получены Далиевым Х.С., Утамурадовой Ш.Б. и Каландаровым Э.К., по изучению глубоких примесей лантана и гафния в кремнии (Национальный университет Узбекистана)⁵.

К настоящему времени остается ряд нерешенных вопросов, связанных с теоретическим расчетом эффектов примесного рассеяния носителей заряда. В частности, до сих пор, в научной литературе отсутствует универсальный метод расчета кинетических параметров примесного рассеяния носителей заряда при сверхнизких температурах.

Разработке универсального метода расчета кинетических параметров примесного рассеяния носителей заряда в полупроводниках и посвящена данная диссертационная работа.

